



**Ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик
ахборот алмашув бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 125-сон қарори асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат статистика кўмитаси деб аталади) 2018 йил 6 мартдаги 41-“К”-сон буйруғи билан қайта ташкил этилган Давлат статистика кўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бошқарма ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув масалаларида фаолиятини Давлат статистика кўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бошқарма ўз фаолиятини Давлат статистика кўмитаси раиси раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2-боб. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва бажариш, статистикани ташкил қилишнинг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:

давлат статистикасини ташкил этиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш, статистика фаолияти масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва тегишли органларга киритиш;

б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика қўмитаси шакллари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш соҳасида:

статистика соҳасида тадқиқот ишларини, шу жумладан, халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатлар рейтинг баҳоларини тузиш учун фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганишни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар асосида шакллантириладиган ва тарқатиладиган статистик кўрсаткичлар таркибини яхшилаш юзасидан таклифлар бериш;

в) давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда статистика ахборотлари билан таъминлаш соҳасида:

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун статистик ахборотларнинг максимал даражада очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини, шу жумладан, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари ва материалларини халқаро статистик ташкилотлар билан алмашувини ташкил этишда ҳамкорликни кенгайтиришни ташкиллаштириш;

хорижий халқаро ва статистика ташкилотлари билан очиқ статистик ахборотларни алмашиш, республиканинг ривожланиши тўғрисидаги материалларни халқаро статистик тўпламларда чоп этиш учун ахборотларни тайёрлаш ва тақдим этишни таъминлаш;

г) халқаро ҳамкорлик ва алоқаларни ўрнатиш соҳасида:

хорижий халқаро ва статистика ташкилотлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг статистика органлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан белгиланган тартибда битимлар тузиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш ишларини ташкиллаштириш;

д) Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ва унинг таркибий бўлинмаларининг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштириш, фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш, юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимларнинг масъулиятларини ошириш соҳасида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар юборилишини таъминлаш чораларини кўради.

7. Бошқарма ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

хорижий мамлакатларнинг миллий статистика хизматлари ва халқаро ташкилотлар билан икки томонлама шартномалар ҳамда ҳамкорлик ишлари дастурларини режалаштириш ва амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий статистика хизматлари билан ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш бўйича Давлат статистика қўмитасининг комплекс режаларини шакллантиришда иштирок этиш;

статистика соҳасида халқаро ахборот алмашув ва ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, хорижий мамлакатлар ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинишини таъминлаш;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги расмий статистик маълумотларни халқаро ташкилотларнинг расмий статистик нашрларига киритилишига кўмаклашиш;

Давлат статистика қўмитасининг бошқа бўлимлари ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими (к-МТУТ)га қўшилиш, йиғма маълумотлар миллий саҳифасини юритиш, ва ХФЖ мажбуриятларини амалга ошириш ҳамда маълумотларни тарқатишда халқаро ташкилотларнинг стандартларини жорий қилишни таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш.

Бошқарма белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бўлинмалари ва ҳудудий статистика органларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан Давлат статистика қўмитаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув масалаларида статистика бўлинмаларининг раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш, йиғилишлар ўтказиш;

юклатилган вазифаларни ижросини таъминлаш учун, Давлат статистика қўмитаси Раиси билан келишилган ҳолда, Қўмитанинг бошқа бўлинмалари ходимларини,

шунингдек малакали мутахассисларни, бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини, шу жумладан шартнома асосида жалб қилиш.

Рахбарият топшириғига асосан, бошқарма ваколоти доирасида давлат органларида, республика ва халқаро миқёсдаги тадбирларда, Давлат статистика қўмитаси вакили сифатида иштирок этиш ва муносабатларга киришиш.

Бошқарма фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишлар, шу жумладан халқаро йиғилишлар ишида, шунингдек халқаро лойиҳаларда иштирок этиш.

9. Бошқарма қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколотига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш.

Давлат статистика қўмитаси ахборот сиёсатини такомиллаштириш бўйича, Бошқарма фаолияти масалалари юзасидан норматив ҳужжатлар лойиҳаларини рахбариятга кўриб чиқишга киритиш.

Бошқарма ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бошқарманинг тузилмаси

10. Бошқарманинг тузилмаси ўз ичига Бошқарма бошлиғини, шунингдек Очик маълумотларни тарқатиш ва халқаро ахборот алмашув ҳамда Халқаро ҳамкорлик ва алоқалар бўлимларини олади.

Бир вақтнинг ўзида Очик маълумотларни тарқатиш ва халқаро ахборот алмашув бўлими бошлиғи - бошқарма бошлиғининг ўринбосари ҳисобланади.

Очик маълумотларни тарқатиш ва халқаро ахборот алмашув бўлими таркибига бир нафардан етакчи ва 1-тоифали мутахассислар ҳамда Халқаро ҳамкорлик ва алоқалар бўлимига бир нафардан етакчи ва 1-тоифали мутахассислар киради.

11. Бошқарма ва унинг таркибига кирувчи бўлимлар ишига Бошқарма бошлиғи рахбарлик қилади.

12. Бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари ва бўлимлар мутахассислари Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Очик маълумотларни тарқатиш ва халқаро ахборот алмашув бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

статистика, очик маълумотларни тарқатиш ва халқаро ахборот алмашув соҳасида халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатларнинг миллий статистика хизматлари билан ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш юзасидан Давлат статистика қўмитасининг комплекс режаларини шакллантириш ва ижросини ташкил этиш;

Давлат статистика қўмитасида, очиқ маълумотларни тарқатиш ва халқаро ахборот алмашувининг халқаро статистик амалиётини ўрганиш, статистика бўйича халқаро ташкилотларнинг талаблари ва методик тавсияларини амалга оширилишини таъминлаш;

маҳаллий, хорижий ва халқаро фойдаланувчиларни статистик маълумотлар билан таъминлаш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий статистика хизматлари билан расмий статистик маълумотлар алмашувини ташкил қилиш.

14. Халқаро ҳамкорлик ва алоқалар бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

хорижий мамлакатларнинг миллий статистика хизматлари ва халқаро ташкилотлар билан икки томонлама шартномалар ҳамда ҳамкорлик ишлари дастурларини режалаштириш ва амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий статистика хизматлари билан ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш бўйича Давлат статистика қўмитасининг комплекс режаларини шакллантиришда иштирок этиш;

статистика соҳасида халқаро ахборот алмашув ва ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, хорижий мамлакатлар ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинишини таъминлаш;

Давлат статистика қўмитасининг бошқа бўлимлари ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими (к-МТУТ)га қўшилиш, йиғма маълумотлар миллий саҳифасини юритиш ва ХВЖ мажбуриятларини амалга ошириш;

5-боб. Бошқарманинг фаолиятини ташкил этиш

15. Бошқарманинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, Бошқарманинг иш режалари ва Бошқарма ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бошқарманинг иш режаси Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика қўмитасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва Раиснинг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бошқарма бошлиғи томонидан бўлинмага юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Раиснинг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

16. Бошқарма бошлиғи:

Бошқармага бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим бошлиқлари ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, Бошқармага юкланган вазифа ва

функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бошқарманинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бошқарманинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Раиснинг биринчи ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Давлат статистика қўмитасининг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек Давлат статистика қўмитаси раҳбариятининг топшириғига биноан Бошқарма тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида ҳамда халқаро ташкилотлар билан учрашувларда иштирок этади;

маълумотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ахборот алмашув масалаларида статистика бўлинмаларининг раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

Давлат статистика қўмитасининг ва Бошқарманинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ, Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бошқарма ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бошқарма кадрлари захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бошқарма ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиши;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

17. Бошқарма бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бошқарма бошлиғи ўринбосари бажаради.

18. Бошқарма бошлиғи ўринбосари - Очик маълумотларни тарқатиш ва халқаро ахборот алмашув бўлими бошлиғи:

Очик маълумотларни тарқатиш ва халқаро ахборот алмашув масалаларида ишларнинг тўғри, тўлиқ ва сифатли ташкилланишига шахсан жавоб беради;

бўлим мутахассисларининг ишини мувофиқлаштиради;

Давлат статистика қўмитаси ва Бошқарманинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек бошқармага юкланган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрлишини ва бошқарма бошлиғига киритилишини ташкил қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари томонидан Бошқарма фаолиятига тегишли бўлган қисми доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, қарорлари ва топшириқларини ижро этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларининг тайёрлишини таъминлайди, уларни белгиланган тартибда тасдиқлинишни ташкил қилади, эришилган натижалар мониторингини доимий равишда олиб боради;

Бошқарма бошлиғи билан бирга бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуби ва методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Бошқарманинг ўзи бошчилик қиладиган бўлими ваколатига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий статистика органлари билан ҳамкорлик ўрнатади ва зарур ҳолларда уларга маслаҳат ёрдами кўрсатади;

Бошқарма бошлиғи билан бирга бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини бўлим фаолиятига доир масалалар доирасида шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ҳодимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақлинишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Давлат статистика қўмитаси манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган муурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Давлат статистика қўмитаси раҳбариятига киритади;

вазифалар тақсимлинишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Халқаро ҳамкорлик ва алоқалар бўлими бошлиғи:

халқаро ҳамкорлик ва алоқалар масалаларида ишларнинг тўғри, тўлиқ ва сифатли ташкилланишига шахсан жавоб беради;

бўлим мутахассисларининг ишини мувофиқлаштиради;

Давлат статистика қўмитаси ва Бошқарманинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

статистика соҳасида илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича бўлим мутахассислари тайёрлаган таклифларни умумлаштиради;

бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

Бошқарма бошлиғи билан бирга бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини бўлим фаолиятига доир масалалар доирасида шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуби ва методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Бошқарманинг ўзи бошчилик қиладиган бўлими ваколатига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий статистика органлари билан ҳамкорлик ўрнатади ва зарур ҳолларда уларга маслаҳат ёрдами кўрсатади;

ҳодимлар томонидан давлат ва тижорат сирини риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Давлат статистика қўмитаси манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Давлат статистика қўмитаси раҳбариятига киритади.

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий статистика органларидан зарур ахборот ва маълумотларни тўплайди, зарур ҳолларда уларга маслаҳат ёрдами кўрсатади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Бўлим 1-тоифали мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий статистика органларидан зарур ахборот ва маълумотларни тўплайди, зарур ҳолларда уларга маслаҳат ёрдами кўрсатади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.